

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@uzpak.uz

2002 йил 21 ноябрь, №252 (3080)

Пайшанба

Акс садо

Жаҳон жамоатчилиги кўллаб-қувватламоқда


Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чакриқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган ва дастурий ҳужжат сифатида умумэтироф эtingан маърузаси хорижий мамлакатлар жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Бундан, хусусан, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари келаётган акс садолар далолат беради.

Жанубий Кореянинг Сувон шаҳри ээри Сим Че Ток Ўзбекистоннинг Сулдага элчихонасига йўллаган мактубида шундай ёзди: "Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат парламентида сўзлаган маъруза матнини катта қизиқиш билан ўқидим. Ушбу маъруза республика ҳукумати ва халқни танлаган дунёвий, фаровон ва кучли демократик давлат қуриш йўлига содиқлигини эркин намоён этади. Республикангиз ҳар бир фуқаросининг маънавий ва ҳуқуқий баркамоллигини таъминлаш, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш орқали унинг давлат қурилишидаги иштирокчи фаолиятини шакллантириш, жамоат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ёрдамида уларнинг мавқени кўтаришга

қаратилган сатъ-ҳаракатлар алоҳида эътиборга сазовордир". Сим Че Токнинг таъкидлашича, жамоат ташкилотлари аксарият аҳолининг умумий фикрини издор этувчилардир, шу боис халқ оmmasига катта ваколатларни бериш орқалигина унинг фаолиятига эришиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузаси бўйича Москва сиёсий доираларидан ҳам фикр мулоҳазалар билдирилмоқда. Карнеги марказининг Москва бўлими раҳбари, россиялик машур сиёсатшунос Алексей Малашенковнинг фикрича, ушбу маъруза "кўп жиҳатдан, дастурий ҳужжат бўлиб, воқеликни ҳис этиш таассуротини қолдириш билан бирга, келажақда давлат сиёсатини акс эттиради". Москва Парламент тизими-

ни ривожлантириш ва ижтимоий ахборот жамғармаси директори Виталий Арсентьев ҳам ушбу фикрни маъқуллаган. Унинг таъкидлашича, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқида "ёш давлатнинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари тўғрисида ўзининг эркин тасаввурларини баён этган". Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасига ҳамон Юртовнинг маърузасига акс садолар келиши давом этмоқда. Улар орасида ГФРнинг йirik партиаларидан бири — Христиан-демократик уюшмаси бош котиби Лауренц Майернинг ҳам мактуби бор. "Ўзбекистон раҳбарининг маърузасида, дейилади ушбу мактубда, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишини жалалаштиришга қаратилган муҳим сатъ-ҳаракатлар кўрсатиб берилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Германия Ўзбекистон билан ишончли ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши курашини қўллаб-қувватлаши мамлакатимизнинг ишончли шерик эканлигини намоён этади". "Жаҳон" АА.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда



Истиқлол берган имконият

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда кенг жорий этилаётган, жасоҳида "Ўзбек модели" деган эътирофга сазовор бўлган таълим ислоҳотлари бугун ўзининг натижасини бермоқда. Юртимизда фаолият кўрсатаятган янги халқ таълим муассасалари — академик лицей ва касб-хўнар коллежлари бунинг оддий далилидир. Тошкент давлат иқтисодий университетининг Чиланзор академик лицейини истиқлолнинг дастлабки йилларида ташкил этилган ана шу янги турдаги ilk қадирғон bilim даргоҳларидан дейиш мумкин. Бу ilk маъсур лицей фаолият бошлаганига ўн йил тўлиди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилганideк, ушбу академик лицей ёшларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг чуқур, ихтисослаштирилган, табақалаштирилган, касба йўналишлари таълим олишини таъминлаш йўлида хизмат

қилмоқда. Бу ерда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича билимларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хўнар қушимларини шакллантириш имкониятига эга.

Юртимизда ilk бор ташкил этилган академик лицей айнан иқтисодий йўналишда экани бежиз эмас. Олими юз нафардан зиёд йилит-қиз таълим олаётган лицей умумий таълимнинг мазмунан янги жиҳатларини ўқув жараёнига жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маъсур ўқув даргоҳини ўн икки ёшида (?) тамомлаган Муроджон Шарифов бу йил 19 ёшида магистрлик ишлар даражасига эга бўлди! — деб хабар беради ЎАА мухбири Назокат Усмонова. — У Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига кириб, республикамизнинг энг ёш талабаси сифатида тан олинган эди. Зейдулла Мирзамўйинов эса Жанубий Кореяда ўтган ёшлар ўртасидаги ташкенов бўйича

жаҳон чемпионида олтин медалга сазовор бўлди. Талаба Феруза Файзуева номиеа БМТ Бош котиби Кофи Аннан номидан миннатдорлик мактуби келган кун эса лицейда чинакам байрамга айланган кетди. Феруза ушбу бошбура ташкилотнинг пойтахти-милолати Ахборотлар марказида ташкил этилган викторина галиби деб топилган эди.

Академик лицейининг ўн йиллиги арафасида ўқувчилар учун ўзига хос тўхфа ҳозирланмоқда. Бу ўқув даргоҳининг тез орада ёшларни ўз бағрига олаётган янги муҳташам биносидир. Янги бино фойдаланишга топширилган, унда тўхфа юздан зиёд ёшлар билим олиш имконига эга бўлади.

Буларнинг барчаси Ватанимиз истиқлолга эришишига тўғрйли қўлга киритилган имкониятлардир. СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар. Муҳаммад АМИН (ЎАА) олган суратлар.

8 декабрь — Конституция кун

Қомусимиз: БУГУН ВА ИСТИҚБОЛДА

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буюн ўтган тарих қисқа лавр халқимиз учун, ҳеч муболағасиз, истиқболда дахлдор улвдор воқеаларга гоий бо бўлди. Юртимизда руй бераётган ўзгаришлар тараққий этган хорижий давлатлар раҳбарлари, таниқли сиёсатшунос, сиёсатшунослар, иқтисодчилар назаридан тўшмаётган. Бу Ўзбекистон халқи Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида янги жамият қуриш

йўлида улкан ютуқларга эришганидан буюн ўтган тарих қисқа лавр халқимиз учун, ҳеч муболағасиз, истиқболда дахлдор улвдор воқеаларга гоий бо бўлди. Юртимизда руй бераётган ўзгаришлар тараққий этган хорижий давлатлар раҳбарлари, таниқли сиёсатшунос, сиёсатшунослар, иқтисодчилар назаридан тўшмаётган. Бу Ўзбекистон халқи Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида янги жамият қуриш

Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган маъсур анжуманда Конституциясининг тарихи ва аҳамияти, "Референдум яқулилари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги конституциявий қонунинг илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиши, ўрғаниши ва таълим жараёнини қонун моҳияти билан уйғунлаштириб боришга қаратилган мавзулар йиллиги катнашинларнинг диққат марказида бўлди. Конституция ва қонун устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили экани таъкидланди. Анжуманда Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зей иштирок этди.

Бехўд НОРБОВ,
ЎАА мухбири.

Халқаро анжуман бошланди

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" мавзуда халқаро анжуман бошланди. Маъсур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва миктакалорлар тадқиқотлар институти, Германиянинг Конрад Аденауэр номлидаги, "Махалла" ҳамда "Заковат" тадбиркорларини информатсион қўллаб-қувватлаш жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда иштирок этган сиёсатшунослар, суа-ҳуқуқ соҳаси мутахассислари, сиёсий партиялар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари Президентимиз Ислам Каримовнинг иккинчи чакриқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда бу билан боғлиқ ус-

тувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан атрофлиқа фикр алмашди. Икки кунлик мунозаралар давомида парламент ислохотлари, фуқаролик жамиятида эркин ахборот олиш тамойиллари ва қароратлари, но-марказлаштириш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари ва суа-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш жараёнилари, бу жараёнларни ҳар томонлама таҳлил этишда маъмур, радио ва телевидениенинг ўрни, ёшлар муаммолари билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди. Ай-тиш жоизки, ушбу анжуман мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган тадбирларнинг яқуний босқичидир.

Анжуманининг очилиш маросимида Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Факултетида ва Мухтор элчиси Мартин Хеккер сўзга чиқди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
ЎАА мухбири.

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ савдо вазирининг ўринбосари Уилям Лэш бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макронқисодиёт ва статистика вазири Рустам Азимов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик кун сайин кенгайиб, савдо-иқтисодий муносабатларда ўсеш яққол кўзга ташланаётгани айти ўтилди.

Мамлакатимизда АҚШ сармоядорлари иштирокида ташкил этилган 323 корхона рўйхати олинган. Тоғ-кон, кимё, енгил, озиқ-овқат ва машинасозлик саноти каби соҳаларда 233 қўшма корхона сармари фаолият кўрсатмоқда. Сўбат чоғида томонлар икки мамлакат ўртасидаги сав-

до-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, фойдаланилаётган имкониятларга жидаийроқ эътибор қаратиш хусусида фикрлашди. 2001 йил яқулидаги кўра: Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги товар айрибюлет салкам 293 миллион долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 295 миллиондан ошди. Бу эса Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил баҳорида АҚШга расий ташрифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация яхши самара бераётганлигидан далолат.

АҚШ делегациясининг Ташки иқтисодий алоқалар агентлигида ташрифи чоғида Бош вазири ўринбосари, агентлик раиси Элёр Фаниев билан

учрашувида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жуда муҳим ва истиқболда босқичга кўтарилганига эътибор қаратилар экан, бу муваффақиятда АҚШ ишбилармонларининг ҳам муносиб улushi борлиги алоҳида таъкидланди. Айни пайтда АҚШнинг элликдан зиёд йirik фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очгани ҳам бу фикрнинг далилидир.

АҚШ савдо вазирининг ўринбосари Уилям Лэш бошчилигидаги делегация аъзолари Бош вазири ўринбосари, давлат мулкисни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Ултам Исмоилов билан ҳам музокара ўтказди.

Озод РАЖАБОВ,
ЎАА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ ҳўжалиги ривожига "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси худудий юк ташиш мар-

Иқтисодиёт қонтомири

казининг ўрни алоҳида. Айниқса, "Нукус-Султо-нувайстаг-Мискин-Учкудук" йўналишидаги янги темир йўл шохбоси бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда ушбу марказнинг Қўнғирот шаҳрида бўлиб ўтган йиллигида ана шу иқтисодиёт қонтомири фаолиятини янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Қоразирга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ишлар бошқарувчиси лавозимида ишлов келган Қ. Собиров худудий юк ташиш маркази раҳбари этиб тасдиқланди.

Сўнгги хабарлар

Инвесторлар учун тендер

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси Тошкент ГРЭСини замонавийлаштириш юзасидан 221 миллион доллар қийматидаги лойиҳа бўйича 2003 йилга тендер эълон қилмоқчи.

"Ўзбекэнерго" ДАКдан маълум қилишларича, тендери келас йилнинг март-апрель ойларида эълон қилиш кўзда тутилаётган. ГРЭСни замонавийлаштириш эса 2003 йилнинг иккинчи ярмида бошланади.

Хозирда танлов асосида сайлаб олинган Япониянинг ТЕРССО консалтинг компанияси тендер ҳужжатларини тайёрлашга киришди.

Тадбирлар дастури ижроси

Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинган кунга йил ўтгани муносабати билан илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Шунингдек, факультетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари пойтахтимизнинг қирқдан зиёд маҳаллаларида Конституциянинг ўрғанишга доир учрашувлар, лавра сўбатлари уюштирилди. Буларнинг барчаси факультетда ишлаб чиқилган Конституция тарғиботида оид тадбирлар дастури асосида амалга оширилмоқда.

Алло, Сизни Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси эшитади!

Хурматли газетхонлар!

- Сизларни тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар қизиқтирдими?
- Маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг ривожланишига тўққизлик қилаётган муаммо ва оғирлар ҳақида айтмадиган гапингиз борми?
- Тадбиркорлик ва уни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар, фармонлар ва қарорлардан бохабарми?

Хуллас, Сизни қизиқтиратган саволларга шу йил 2 декабрь кунин соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Музаффарбек СОБИРОВ 139-18-83, 132-09-03 телефонлари орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.

- Беовсита мулоқотда Палата тизимида кичирчи ташкилотлар, «Бизнес-фонд», АТБ «Уттадобр-корбанк», «Мадаб» сўғурта агентлиги, Бозор қўшмақаларини ривожлантириш, «ЕАН Ўзбекистон» маъсур-лотлар ва хизматлари идентификациялаш, «Test - servis» маъсурлот ва хизматлари сертификатциялаш, тешидан ўтказиш марказлари раҳбарлари иштирок этишлари.

Саволларингизни олдидан қуйидаги телефон рақамлари орқали йўлашингиз мумкин:
139-18-83, 133-57-98, 132-09-03, 136-10-65, 136-36-65. Факс: 133-57-34, 133-52-55.
Электрон почта манзили: E-mail: Palata@maroqand.uz

Беовсита мулоқотга марҳамат!

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Шахрисабздаги "Оқсарой-Тўқимачи ЛТД" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортти боришти. Корхона шу кунга қадар 4,5 миллион АҚШ долларини маҳсулот экспорт қилди.

Туркиянинг "Бурсел", Япониянинг "Мицубиси" компанияси ҳамда Шахрисабзнинг "Садо" ҳиссадорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма корхона 1 ноябрда қадар хорижлик харидорларга 2015 тонна қалава, 211 тонна трикотаж мато сотди. Экспортлар Шахрисабзда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот жаҳон андозларига мос эканини эътироф эттишмоқда.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎАА мухбири.

Обуна — 2003

Газетани танандан хозиргина унган иссиқ нонга ўхшатаман, — эътирофини яширолмайдн Балчиқ туманидаги "Чинобо" ширкат ҳўжалиги бошқарув раиси Адхамжон Собиров. — Раҳбар бўлганим учунми "Халқ сўзи"ни қўлга олишим билан мамлакатимиз ва куран заминимизда қандайд янгиликлар содир бўлаётганини билан қизиқаман. Президентимиз маърузаларини, у ёки бу давлатга ташрифи чоғида нималарга кўндрок эътибор қаратаётганликлари ҳақида ўқийман. Қонунлар, Фармонлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари доимий эътиборимда бўлади.

Бугуннинг раҳбари илгариларга ўхшаб талаб этувининга эмас, балки ўз соҳасининг билимидан, ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиши керак. У янгиликларга нитилсин, ташаббускор бўлсин. Атрофдагилар, қўл ос-

Ҳукумат комиссияси йўғилиши

Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуида Уздуксиз таълим тизимининг ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув ўзлан-маларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиллиги бўлиб ўтди.

Еш алод дунёқарашининг шаклланиши у мутола қилдиладан китоблар, айниқса дарслик ва қўлланмалар мазмун-моҳияти билан қамбарчас боғлиқдир. Шу сабаб, мамлакатимиз мустақил тараққий ёлғида қалам босган дастлабки кўнларданок уздуксиз таълим тизимига жорий этилган дастурлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мутлақо янги алодини яратиш ва зифаси кун тартибига қўйилди.

Ҳукумат комиссияси йилгишида қайта этилганлик, ҳозирга қадар бу борада талай ишлар амалга оширилди. Масалан, биргина 2002 йилнинг ўтган даврида умумий ўрта таълим муассасалари учун 517 номда, 31 миллион нусхада ўқув адабиётлари чоп этилди. Ўрта махсус, касб-хўнар таълим муассасалари учун эса 156 номда, қарийб 2 миллион нусхалар китоблар тайёрлаб берилди. Юртимизда турли касб ва мутахассисликлар йўғилишида ташкил этилган кўнлаб коллеж ҳамда лицейларни ўз ихтисосликлари бўйича янги қўлланмалар билан таъминлаш зарурияти тўғрйли 34,3 фоизи харид қилинганнинг сабаблари муҳокама этилиб, бу камчиликларни барта-раф этиш бўйича мутасади вазирилк ва илорларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Комиссия йилгишида уздуксиз таълимнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш соҳасида мавжуд камчилик ва муаммоларга ҳам жидаий эътибор қаратилди. Жумладан, айрим вилоятлар маҳаллий бюджетларидан кутубхоналар жамғармасини дарсликлар билан тўлдирини учун мулжалланган маблағлар вақтида ажратилмаётгани боис савдо ташкилотлари олдига қарздорликнинг пайдо бўлаётгани, оларга тизимда сотилиши ижозат билан дарсликларнинг бор-йўғи 34,3 фоизи харид қилинганнинг сабаблари муҳокама этилиб, бу камчиликларни барта-раф этиш бўйича мутасади вазирилк ва илорларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Комиссиянинг ишчи гуруҳлари мавжуд ва янги яратилаётган китобларни доимий экспертизадан

(ЎАА).

Ўқидик, ўргандик, қолаверса...

дунёда, юртимизда содир бўлаётган янгиликлар хонадонимизга кириб келди. Шу сабаб келгуси йил учун ҳам "Халқ сўзи"га обуна бўлдик.

Бундан ташқари ҳосилдорликни гектар ҳисобига 45 центнердан оширган турт нафар бош пудратчининг мукофот тарзида "Халқ сўзи"га обуна қилдик.

Ҳўжаликда галла ҳосилдорлиги 77, пахта ҳосилдорлиги эса 41 центнерга етди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра жорий йилда ҳосилдорликлар 210 миллион сум атрофида даромад эгаси бўладилар. Холбуки, ўтган йили бу кўрсаткич 190 миллионни ташкил этган эди. Бошқарув ҳайати ана шу даромаднинг бир қисмини дав-

турчи. Бундан ташқари ҳосилдорликни гектар ҳисобига 45 центнердан оширган турт нафар бош пудратчининг мукофот тарзида "Халқ сўзи"га обуна қилдик.

Ҳўжаликда галла ҳосилдорлиги 77, пахта ҳосилдорлиги эса 41 центнерга етди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра жорий йилда ҳосилдорликлар 210 миллион сум атрофида даромад эгаси бўладилар. Холбуки, ўтган йили бу кўрсаткич 190 миллионни ташкил этган эди. Бошқарув ҳайати ана шу даромаднинг бир қисмини дав-

рий нашрларга ажратди. — Туманимизда келгуси йил учун обуна қизғин кетпти. — сўзбатида қўшилди ҳоким муовини Анваржон Санаксариев. — Ҳозирга қадар 5 — 3,5 миллион сум атрофида обуна қилинди. Яна 6-6,5 миллион сумлик газета ва журналларга эғилш ниятидаман. Мавсум кўнгидагилик ўтгани учун аҳоли кўп қишлоқларда жамоатчи обуна тўловчиларни иштин йўлга қўйдик.

О.ШОДНОМАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Фармон ва ижро

Яқин дўст, таниш-билишлар қаерда қачон учрашимасин, биринчи навбатда бир-бирларининг, соғлиқ-саломатликларини суриштиришди. Бу яхши одат. Мамлакатимизда тиббий хизматни янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларни ҳам айнан шу одатга ҳамоҳанг дейиш мумкин. "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида"ги республика Президентининг Фармони эса соҳадаги ишларнинг янада жонли-нишига хизмат қилапти.

Мухбиримиз мазкур фармоннинг Самарқанд вилоятидаги ижроси ҳақида вилоят Соғлиқ-ни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Мирсодиқ МУСЛИМОВ билан суҳбатлашди.

— Вилоятда шаҳарлардан анча узоқда жойлашган қишлоқлар кўп. Лекин уларнинг ҳаммасида тиббий хизмат кўрсатиладими, деб бўлмади. Кейинги йилларда айнан қишлоқ аҳолисининг саломатлигини яхшилаш борасида қандай ишлар қилинди?

— Президентимиз Фармонда тиббий тизим ислоҳотларининг бешта тамойили белгилаб берилган. Уларнинг дастлабисини аҳолига кўрсатиладиган биринчи тиббий хизмат самарасини ошириш учун жойларда қишлоқ врачлик пунктлари қуришди. Фармон қабул қилинган 1998 йилда вилоятдаги фельдшерлик-акушерлик пунктлари, қишлоқ участка шифохоналари, қишлоқ врачлик амбулаториялари тиббиёт соҳаси учун бюджетдан ажратилган маблағнинг 65-70 фоизидан фойдаланиб келарди. Бундай тиббий шохобчалар ўзини ўзи оқлашсини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Шу боис улар ўрнида барча тиббий жиҳазлар, асбоб-ускуналар, керакли мухтаassisлар билан таъминланган янги типдаги қишлоқ врачлик пунктлари қуриш тўғрисида қарор қабул қилин-

Саломатликдан орттиқ бойлик йўқ

— Мирсодиқ Мухторович, Фармонда аҳолига бепул малакали ихтисослашган хизмат кўрсатувчи шовиланч тез тиббий ёрдам марказлари очилиши ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида кўрсатилади... — Бу вазифа ҳам диққат-эътиборимизда турибди. Самарқанд шаҳрида республикада биринчи қатори аҳолига малакали ихтисослашган шовиланч тиббий ёрдам маркази ишга туширилган. Марказда 18 та бўлим мавжуд. Уларда 347 нафар врач хизмат қилаётганини ўзиёқ бу шифо масканининг қанчалик нуфузли эканини ифодалайди. Марказ шифокорлари кечани кеч, кундузи кундуз демай ишлашади. Чунки беморларга шовиланч тиббий ёрдам кўрсатиш уларнинг вазифаси. Касаллик, кутилмаган фалокат

эса вақт танламайди. Туманларда ҳам шовиланч тез тиббий ёрдам бўлимлари хизмат кўрсатяпти. Ҳозир улар сонини 12 та. Ҳаммаси хизмат кўрсатиш учун тегишли жиҳозлар, малакали мухтаassisлар билан таъминланган. Пайриқ туманининг Челек шаҳрида қаттагина шифохона бор эди. У бутунга кун талаби асосида шовиланч тез тиббий ёрдам

димизда турган вазифалар кўп. Шу йилнинг ўзида пуллик хизмат ҳисобидан 300 миллион сўм маблағ тушди. Унинг бюджет ажратилаётган маблағнинг 5 фоизини ташкил этишга аҳиямат қаратсақ, қатта кўрсаткич эмаслигига амин бўламиз. Шу боис имкониятларни ҳисобга олган ҳолда келгуси йилда пуллик хизмат турларини янада яхшилаш ҳисобидан пул тушумини 1 миллиард сўмга етказишни режалаштирляпти.

Самарқанд тиббиёт институти билан ҳамisha ҳамкоримиз. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда институтнинг кўмаги катта. Уқувчилар, олимлар билан биргаликда тузган гуруҳларимиз асосан туманларда иш олиб боришади. Уруш қатнашчилари, фахрийлар, қариялар ана шу гуруҳларнинг доимий аъзобирида. Шу йилнинг тўққизинчи ойи Чобайинида уларга 85 миллион сўмлик бепул дори-дармонлар берилди. Қариялар йили муносабати билан 50 дан ошган аёллар, ёши 55 дан юқори эркаклар тиббий кўриқдан ўтказилиб, диспансер назоратига олинди.

Инсон учун саломатликдан орттиқ бойлик йўқ. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга хизмат савиясини яхшилаш эса биз, шифокорларнинг вазифамиз. Бу борада ҳали кўплаб ишларни бажаришимиз, муаммолар ечимини топишимиз зарур. Бунинг учун эса имкониятлардан самарали фойдалана олишимиз керак албатта.

"Халқ сўзи" мухбири Абдураул САТТОРОВ суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси адвокатлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура ҳақида»ги Қонуни ва Ўзбекистон адвокатлари уюшмаси низоми лойиҳалари муҳокамаси бўйича адвокатларнинг минтакавий сьездолди конференциялари бошланмоқда.

Table with 4 columns: Ўтказиш санаси, Ўтказиш вақти, Ўтказиш жойи, Мулоқот учун телефонлар. Lists dates and locations for conferences across various regions like Toshkent, Navoiy, Bukhoro, etc.

КўН ТАРТИБИ: 1. Адвокатурани ислоҳ қилиш концепцияси тўғрисида. 2. Адвокатура тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида. 3. Ўзбекистон адвокатлари уюшмаси низоми лойиҳаси тўғрисида. 4. Сьездга қўшимча делегатларни сайлаш.

Барча адвокатларнинг конференцияларда қатнашишлари шарт. Маълумот учун Тошкентдаги телефонлар: 133-71-80, 136-27-86.

Қатра

Исроил ҳамон... ўсмоқда

Исроилни тумонат одам ичидан адаштирмай таниб олаверасиз. Сабаби, унинг бўйи узун — икки метр ва яна 50 сантиметр. Исроил аксарият дароз одамлар қатори самимий, камгап, камтар йигит. Дехончилик билан шуғулланади. Кетмонининг дастасиям узун — 2 газча келади. Тўрт соат тўхтовсиз кетмон уриб ҳам чарчмайди. Қорували. Билагонлар, одамзот йигирма тўрт ёшига қадар ўсади, деб бизни ишонтирмоқчи бўладилар. Шу гап рост чиқса, лемак, Исроилнинг яна икки йил ўсиш имконияти бор. Чунки у энди йигирма иккита кирди... Бош кийимидан бўлак кийим-бошини у махсус бюуртма билан тикиради. Енгил машинада ўзини биров қисилгандай ҳис этади. Ва ярим ҳазил, ярим чин қилиб, имкон топсам Асака автомобиль заводида ўзимбоп енгил машина бюуртма қиламан, дейди. Мабодо, Исроил билан бўйлашмоқчи бўлсангиз марҳамат. Унинг манзили Қизилқум туманидаги «Оқ жар» маҳалласи. Фамилияси Хушбоқов. Ўзи кўп меҳмондўст йигит.

О.УСАНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

2003 йилда Зальцбург тиббий семинарларида қатнашиш учун танлов эълон қилади.

- Семинарлар Австриянинг Зальцбург шаҳрида қуйдоғи фанлардан ўтказилади: • болалар кардиологияси 10-16 январь кунлари • неврология 7-13 февраль кунлари • нейрхирургия 7-13 февраль кунлари • отоларингология 14-20 февраль кунлари • ички касалликлар 14-20 февраль кунлари

Танлов голиблари лекцияларда, шунингдек Австрия-Америка жамғармаси томонидан ташкил этилган клиник тахлилларда иштирок этадилар. Семинарларда иштирок этишни хоҳловчи номзодлар 35-45 ёш бўлишлари, инглиз тилини билишлари ва Зальцбургда олган билимларини ўз ҳамкасбларига ўргатишлари керак. Йўлқира, яшаш ва семинарда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар Ўзбекистон очик жамият институти — кўмак жамғармаси томонидан қопланади.

Тўлиқ маълумот ва аризацияни махсус намунасини Ўзбекистон очик жамият институти — кўмак жамғармасидан, Интернетдаги www.osi.uz сайтидан ёки қуйдоғи электрон почтадан: alexander@osi.uz олиш мумкин.

Аризалар 2002 йил 22 ноябргача қабул қилинади. Инглиз тили бўйича тест синовлари 2002 йил 25 ноябрь куни соат 9.00да Ўзбекистон очик жамият институти — кўмак жамғармасида ўтказилади. Манзил: 700031, Тошкент ш.и, Зарбоғ (собиқ Роза Люксембург) к., 31-уй. Мўлжал: «Россия» меҳмонхонаси орқасида. Маълумот олиш учун телефонлар: (371) 120-54-08/09/10/11/12/13, 120-50-10/11. Факс: 120-68-54.

Кўн тартибда гастроэнтерология муаммолари

Гастроэнтерология ошқозон-ичак хасталиклари ва уни даволаш ҳақидаги фандир. Илмий-техника тараққиёти, инсон фаолиятидаги кам ҳаракатлилик натижасида ушбу аъзоларнинг касаллигини даражаси жаҳонда кўпайиб бораётгани сир эмас. Замонавий тиббиёт ушбу даражни барвақт аниқлаш ҳамда самарали даволаш бўйича, катта имкониятларга эга бўлишга қарамасдан, соҳанинг ўзига хос муаммолари ҳам йўқ эмас. Наманганда «Гастроэнтерология ва гепатологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида ўтказилган республика ўқув-семинарида ана шу ҳақда гап борди. Ун беш кун давом этган машғулотларда, анжуман қатнашчилари таниқли мухтаassisларнинг қизқарли маърузаларини тингладилар. Жумладан, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош гастроэнтеролог П.Я.Григорьев, россиялик профессор Э.П.Яковенко ва бошқаларнинг амалий ва назарий машғулотлари барчада катта таассурот қолдилади. Анжуман қатнашчилари, шунингдек, вилоят Давлат шовиланч тиббий ёрдам маркази ва унинг филиалларида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиллар, гастроэнтерология бўйича ўтказилган амалиётларда иштирок этадилар.

Қ.НАЖМИДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Халқ сўзига ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 256-хона

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ВА ҲАРБИЙ ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ. 2002 йил 5 ноябрдан 30 ноябргача қуйдоғиларни сотиб олиш ва етказиб бериш бўйича тендер савдосини эълон қилади. Оқ-қора кинофотопленкалар ва фотоқоғоз маҳсулотлари; рангли фотопленкалар ва фотоқоғоз маҳсулотлари; оқ-қора ва рангли фотопленкалар ва фотоқоғоз маҳсулотларини тасвирга чиқариш кимёвий реактивлари; кимёвий реактивлар; дактилоскопия ишлатиш маҳсулотлари; куруқ электр манбаалари; аудио ва видео кассеталар; кимёвий идишлар ва ёрдамчи лаборатория воситалари.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй. Телефонлар: 8 10 998 (3712) 55-78-24, 55-78-21, 136-27-82. Факс: 56-74-16. E-mail: umtvs@uzpak.uz

OFFICIAL INVITATION OF THE COMMITTEE OF THE STATE PROPERTY MANAGEMENT AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

The Committee of the State Property Management and Entrepreneurship Support of the Republic of Uzbekistan notifies of prospective bidders and invites all interested parties to submit their proposals.

Type of sale: open for legal entities, non-residents of the Republic of Uzbekistan. Object of sale: 62.45% of JSC "Toshmargyog" common shares in number of 1 636 202 (one million six hundred thirty six thousand two hundred and two). Majority stake is offered for sale as a whole package. JSC "Toshmargyog" is located at the following address: 47, Djarkurgan street, Tashkent, the Republic of Uzbekistan. Tel.: 191-69-04, fax: 96-65-10. Subject of sale: the initial cost of 62.45% of JSC "Toshmargyog" shares in the amount of USD 1 846 560 (one million eight hundred forty six thousand five hundred sixty). Due date for proposal submission: from November 21, 2002 to December 21, 2002. Due date for tender results: from December 24, 2002 to December 28, 2002. Tender guarantee: In order to participate in bidding it is necessary to make payment in the amount of USD 3000 (three thousand) to special account of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan: acc.#21506840400600289002 Central Bank of the Republic of Uzbekistan, Bank Code 00014 S.W.I.F.T.Code: CBUZUZ22

Contact phone numbers for inquiries and obtaining tender documentation: Enterprise Institution Building Bureau The State Property Committee of the Republic of Uzbekistan 55, Uzbekistan Ave., Tashkent 700003. Telephone: (998 71) 139-22-59, 139-22-23. Fax: (998 71) 139-21-42

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING РАСМИЙ ТАКЛИФИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тендер эълон қилади ва унда қатнашиш истагини билдирган шахсларни таклиф этади.

Тендер тури: Ўзбекистон Республикасида барча норезидент юридик шахслар учун. Тендер объекти: «Ташмаргёт» ОАЖ низоми жамғармасининг 62,45%ни ташкил этувчи 1 636 202 (бир миллион олти юз ўттиз олти миң икки юз иккита) акцияси. Акциялар ягона пакет тарзида савдога қўйилади. «Ташмаргёт» ОАЖ қуйдоғи манзилда жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Жарқўрган кўчаси, 47-уй. Телефон: 191-69-04, факс: 96-65-10.

Тендер предмети: Акцияларнинг 62,45%ни ташкил этувчи «Ташмаргёт» ОАЖ бошланғич нархи: 1 846 560 (бир миллион саккиз юз қирқ олти миң беш юз олтинчи) АҚШ доллари.

Таклифларни қабул қилиш муддати: 2002 йил 21 ноябрдан 2002 йил 21 декабргача. Тендер натижаларини эълон қилиш муддати: 2002 йил 24 декабрдан 2002 йил 28 декабргача.

Тендер кафолати: Тендерда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг қуйдоғи махсус валюта ҳисоб рақамига 3 000 (уч миң) АҚШ доллари тўлаш лозим: acc.№ 21506840400600289002 Central Bank of the Republic of Uzbekistan, Bank Code 00014 S.W.I.F.T.Code: CBUZUZ22.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун қуйдоғи манзилга мурожаат қилинг: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси. Корхоналарини хуусуийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси: 700003, Тошкент ш.и, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55. Тел.: (371) 139-22-59, 139-22-23. Факс: (371) 139-21-42.

OFFICIAL INVITATION OF THE COMMITTEE OF THE STATE PROPERTY MANAGEMENT AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

The Committee of the State Property Management and Entrepreneurship Support of the Republic of Uzbekistan notifies of prospective bidders and invites all interested parties to submit their proposals.

Type of sale: open for legal entities, non-residents of the Republic of Uzbekistan. Object of sale: 51% of JSC "Yangiyul yog moy" common shares in number of 5 465 619 (five million four hundred sixty five thousand six hundred and nineteen). Majority stake is offered for sale as a whole package. JSC "Yangiyul yog moy" is located at the following address: 352, Samarkand street, Yangiyul town, Tashkent region, the Republic of Uzbekistan. Tel.: (260) 2-62-03. Subject of sale: the initial cost of 51% of JSC "Yangiyul yog moy" shares in the amount of USD 1 380 547 (one million three hundred eighty thousand five hundred forty seven). Due date for proposal submission: from November 21, 2002 to December 21, 2002. Due date for tender results: from December 24, 2002 to December 28, 2002. Tender guarantee: In order to participate in bidding it is necessary to make payment in the amount of USD 3 000 (three thousand) to special account of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan: acc.#21506840400600289002 Central Bank of the Republic of Uzbekistan, Bank Code 00014 S.W.I.F.T.Code: CBUZUZ22

Contact phone numbers for inquiries and obtaining tender documentation: Enterprise Institution Building Bureau The State Property Committee of the Republic of Uzbekistan 55, Uzbekistan Ave., Tashkent 700003. Tel.: (998 71) 139-22-59, 139-22-23. Fax: (998 71) 139-21-42

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING РАСМИЙ ТАКЛИФИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тендер эълон қилади ва унда қатнашиш истагини билдирган шахсларни таклиф этади.

Тендер тури: Ўзбекистон Республикасида барча норезидент юридик шахслар учун. Тендер объекти: «Янгийўл ёғ мўй» ОАЖ низоми жамғармасининг 51%ни ташкил этувчи 5 465 619 (беш миллион тўрт юз олтинчи беш миң олти юз ўн тўққиз) акцияси. Акциялар ягона пакет тарзида савдога қўйилади. «Янгийўл ёғ мўй» ОАЖ қуйдоғи манзилда жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 352-уй. Телефон: (260) 2-62-03.

Тендер предмети: Акцияларнинг 51%ни ташкил этувчи «Янгийўл ёғ мўй» ОАЖнинг бошланғич нархи: 1 380 547 (бир миллион уч юз саксон миң беш юз қирқ етти) АҚШ доллари.

Таклифларни қабул қилиш муддати: 2002 йил 21 ноябрдан 2002 йил 21 декабргача. Тендер натижаларини эълон қилиш муддати: 2002 йил 24 декабрдан 2002 йил 28 декабргача.


Тендер кафолати: Тендерда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг қуйдоғи махсус валюта ҳисоб рақамига 3 000 (уч миң) АҚШ доллари тўлаш лозим: acc.№ 21506840400600289002 Central Bank of the Republic of Uzbekistan, Bank Code 00014 S.W.I.F.T.Code: CBUZUZ22.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун қуйдоғи манзилга мурожаат қилинг: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси. Корхоналарини хуусуийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй. Телефонлар: (371) 139-22-59, 139-22-23. Факс: (371) 139-21-42.

Аёл хонандалар танлови

Назира Алиева ҳақида гап кетганда, унинг гузал ва ширин овоз соҳибаси бўлганлигини алоҳида таъкидлашди.

Муздақлик шарофати билан ёш истеъодларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йилнинг 25-30 ноябрь кунлари Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова номидаги республика аёл хонандалар танлови ўтказилди.



Яқинда бир ноқара сабаб, узоқ хорижда кузатган бозор билан боғлиқ бир ҳолат ёдига тушди.

Бундан кўп йиллар аввал Яман Халқ Демократик Республикасида хизмат сафарига эдим. Жума, дам олиш кунини, кечки пайт бир гуруҳ шерикларим билан шаҳарга тушдик.

Бошқа шарқ мамлакатларидаги каби бу юрт шаҳарларида ҳам ярим тунгача одам гавжум бўлиб, барча дўконлар, ошхоналар, дам олиш даргоҳлари ишлайди.

Эндигина савдо дўконларида пайдо бўлаётган икки кассетлик магнитофонга ишқибозлик билан биргаликда кирган ҳам тўласак 210 динардан ошмайди, лекин шу магнитофонга жуда ишқибоз бўлдик, — дедим афсус билан.

Таржимон билан яна бир неча савдо-жавобдай сўнг маълум бўлдики, магнитофон 223 динарда сотилса, ун фойда қолар экан, лекин менинг шу молга бунчалик ишқибозлигимга бўлган ҳурмат тўғрисида 215 динарда турти бўлишини билдирди.

Бир ҳафтадан кейин, яни келгуси жумага қадар магнитофонни сотмас, келиб-кетимиз, шунинг таърифини айтиб берсангиз, — сўзимни таржима қилди Абулатири.

Икки кассетлик магнитофонлар эндигина пайдо бўлмоқда, буниси Япониянинг «Сони» фирмасига мансуб, энг қўлай томони — бир кассетдан иккинчисига ўзи ёзади, фирманинг ўзи эса ишончли, агар харид қилсангиз катта қилмайсиз.

Хуллас, магнитофон бизга маълум бўлди. Шундан кейин нархнини сўрадик.

Нархи 230 динар турди, лекин сиз сўранг, — деди мулозимат билан дўкондор.

Бу нархни чўнтак кўтармайдим, ўртоқларимдаги пулни ҳам тўласак 210 динардан ошмайди, лекин шу магнитофонга жуда ишқибоз бўлдик, — дедим афсус билан.

Таржимон билан яна бир неча савдо-жавобдай сўнг маълум бўлдики, магнитофон 223 динарда сотилса, ун фойда қолар экан, лекин менинг шу молга бунчалик ишқибозлигимга бўлган ҳурмат тўғрисида 215 динарда турти бўлишини билдирди.

Бир ҳафтадан кейин, яни келгуси жумага қадар магнитофонни сотмас, келиб-кетимиз, шунинг таърифини айтиб берсангиз, — сўзимни таржима қилди Абулатири.

Икки кассетлик магнитофонлар эндигина пайдо бўлмоқда, буниси Япониянинг «Сони» фирмасига мансуб, энг қўлай томони — бир кассетдан иккинчисига ўзи ёзади, фирманинг ўзи эса ишончли, агар харид қилсангиз катта қилмайсиз.

Хуллас, магнитофон бизга маълум бўлди. Шундан кейин нархнини сўрадик.

Нархи 230 динар турди, лекин сиз сўранг, — деди мулозимат билан дўкондор.

Бу нархни чўнтак кўтармайдим, ўртоқларимдаги пулни ҳам тўласак 210 динардан ошмайди, лекин шу магнитофонга жуда ишқибоз бўлдик, — дедим афсус билан.

Таржимон билан яна бир неча савдо-жавобдай сўнг маълум бўлдики, магнитофон 223 динарда сотилса, ун фойда қолар экан, лекин менинг шу молга бунчалик ишқибозлигимга бўлган ҳурмат тўғрисида 215 динарда турти бўлишини билдирди.

Бир ҳафтадан кейин, яни келгуси жумага қадар магнитофонни сотмас, келиб-кетимиз, шунинг таърифини айтиб берсангиз, — сўзимни таржима қилди Абулатири.

Икки кассетлик магнитофонлар эндигина пайдо бўлмоқда, буниси Япониянинг «Сони» фирмасига мансуб, энг қўлай томони — бир кассетдан иккинчисига ўзи ёзади, фирманинг ўзи эса ишончли, агар харид қилсангиз катта қилмайсиз.

Хуллас, магнитофон бизга маълум бўлди. Шундан кейин нархнини сўрадик.

Нархи 230 динар турди, лекин сиз сўранг, — деди мулозимат билан дўкондор.

Бу нархни чўнтак кўтармайдим, ўртоқларимдаги пулни ҳам тўласак 210 динардан ошмайди, лекин шу магнитофонга жуда ишқибоз бўлдик, — дедим афсус билан.

Таржимон билан яна бир неча савдо-жавобдай сўнг маълум бўлдики, магнитофон 223 динарда сотилса, ун фойда қолар экан, лекин менинг шу молга бунчалик ишқибозлигимга бўлган ҳурмат тўғрисида 215 динарда турти бўлишини билдирди.

Бир ҳафтадан кейин, яни келгуси жумага қадар магнитофонни сотмас, келиб-кетимиз, шунинг таърифини айтиб берсангиз, — сўзимни таржима қилди Абулатири.

Икки кассетлик магнитофонлар эндигина пайдо бўлмоқда, буниси Япониянинг «Сони» фирмасига мансуб, энг қўлай томони — бир кассетдан иккинчисига ўзи ёзади, фирманинг ўзи эса ишончли, агар харид қилсангиз катта қилмайсиз.

Хуллас, магнитофон бизга маълум бўлди. Шундан кейин нархнини сўрадик.

Нархи 230 динар турди, лекин сиз сўранг, — деди мулозимат билан дўкондор.

Бу нархни чўнтак кўтармайдим, ўртоқларимдаги пулни ҳам тўласак 210 динардан ошмайди, лекин шу магнитофонга жуда ишқибоз бўлдик, — дедим афсус билан.

Таржимон билан яна бир неча савдо-жавобдай сўнг маълум бўлдики, магнитофон 223 динарда сотилса, ун фойда қолар экан, лекин менинг шу молга бунчалик ишқибозлигимга бўлган ҳурмат тўғрисида 215 динарда турти бўлишини билдирди.

Бир ҳафтадан кейин, яни келгуси жумага қадар магнитофонни сотмас, келиб-кетимиз, шунинг таърифини айтиб берсангиз, — сўзимни таржима қилди Абулатири.

Икки кассетлик магнитофонлар эндигина пайдо бўлмоқда, буниси Япониянинг «Сони» фирмасига мансуб, энг қўлай томони — бир кассетдан иккинчисига ўзи ёзади, фирманинг ўзи эса ишончли, агар харид қилсангиз катта қилмайсиз.

Хуллас, магнитофон бизга маълум бўлди. Шундан кейин нархнини сўрадик.

Нархи 230 динар турди, лекин сиз сўранг, — деди мулозимат билан дўкондор.

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

Халқ сўзи

SIEMENS advertisement with contact information for 'Aleks Telekom' and 'Fargona Viloyati Filiali'.